

Намоз кўз қувончимга айлантирилди | Сийрат дарслари (255-дарс)



19:00 / 10.11.2023 3705

308. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида эдим. Бир одам келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули, мен ҳаддга (зино жазосига) лойиқ иш қилдим. Уни менга жорий қилинг», деди.

У зот ундан бунинг нима эканини сўрамадилар. Намоз вақти бўлди. Ҳалиги одам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга намоз ўқиди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозни ўқиб бўлганларидан сўнг, у ўрнидан туриб: «Эй Аллоҳнинг Расули, мен ҳаддга лойиқ иш қилдим, менга Аллоҳнинг ҳукмини жорий этинг», деди. «Биз билан намоз ўқидингми?» дедилар. «Ҳа», деди. «Батаҳқиқ, Аллоҳ сенинг гуноҳингни

мағфират қилди ёки ҳаддингни», дедилар.

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

309. Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг айтганларини эшитдим: «Роббингни тоғ чўққисидаги қўйчивон ажаблантиради. Азон айтиб намоз ўқийди. Шунда Аллоҳ азза ва жалла: «Бу бандамга назар солинглар. Азон айтади ва намоз ўқийди. Мендан кўрқади. Батаҳқиқ, бандамни мағфират қилдим ва жаннатга киритдим», дейди».

Абу Довуд, Насоий ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

310. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Менга аёллар ва хушбўйлик маҳбуб қилинди ва намоз кўз қувончимга айлантирилди».

Насоий ва Ҳоким ривоят қилишган.

311. Робиъа ибн Каъб Асламий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга тунаган эдим. У зотга таҳорат сувлари ва бошқа ҳожатлари тушадиган нарсаларини келтирдим. У зот: «Сўра», дедилар. «Жаннатда сизга рафиқ бўлишни сўрайман», дедим. «Бундан бошқани эмасми?» дедилар. «Шунинг ўзини», дедим. «Ундай бўлса, ўзинг учун кўп сажда билан менга ёрдамлаш», дедилар».

Муслим ривоят қилган.

312. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Беш вақт намоз, жумадан жумагача ва Рамазондан Рамазонгача (бўлган ушбу ибодатлар) ўз ораларидаги (гуноҳ)ларга каффоротдир, модомики кабира гуноҳлардан тийилинган бўлса», дедилар.

Муслим ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.